# 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили



# Фарғона ҳақиқати

Қаерга бормагин эътиқодинг сен билан бўлсин.
КОНФУЦИЙ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | farhaqiqat.uz | @farhaqiqati | 2021 йил 12 январь, сешанба | № 4 (24497)


Вилоят ҳокими
**ҚАБУЛИДА**

## ТАШАББУСНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ КЕРАК

**Вилоят “Тадбиркорлар уйи”да 11 январь куни бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотда Хайрулло Бозоров шаҳар-туманлардан келган 70 нафардан зиёд тадбиркорларнинг турли масала ва муаммолари ижроси бўйича суҳбатлашди.**



Тадбиркорлик ташаббусларини рўёбга чиқариш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли масъул идоралар раҳбарларига тавсия ва топшириқлар берилиб, вақт, маблағ талаб қиладиган масалалар борасида аниқ вазифалар белгиланди.

Олтиариқ туманидаги “MY GARDEN” фермер хўжалиги раҳбари Адҳамжон Абдураҳмонов мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. Бевосита унинг ташаббуси билан туманда узумчилик плантациялари ташкил этилиб, Олтиариқ узуми брэнди дунёга машҳур бўлиши учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилялти.

— Замонавий мезонлар асосида қишлоқ хўжалиги кооперацияси фаолиятини йўлга қўйдик, — деди тадбиркор вилоят ҳокими билан учрашувда. — Шу боис фаолият кўламини янада кенгайтириш мақсадида бизга 50 гектар ер керак. Истиқболли режага кўра, наслли чорва, хусусан, қўйчиликни ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Якка тартибдаги тадбиркор Шавкат Болтабоев Бувайда туманида кутубхона, “Ёшлар меҳнат гузари” қуришни режалаштирмоқда. Эзгу ташаббусни амалга ошириш учун маблағи етарли, қурилиш қилиши учун унга туман захирасига олинган бўш ер зарур. Вилоят раҳбари бувайдалик тадбиркорнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тегишли мутасадди идоралар томонидан давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ер ажратиб бериш масаласи ижобий ҳал этилишини таъкидлади.

Данғара туманида жойлашган “Fayzullo avto invest” МЧЖ раҳбари Бахтиёр Юсупов фаолиятини кенгайтириш мақсадида қўшимча бино қурди. Аммо янги бинонинг кадастр ҳужжатларини тайёрлашда қийинчиликлар бўлмоқда. Вилоят ҳокимидан ушбу масалада ёрдам сўраган тадбиркорнинг муаммоси тез кунларда ҳал этиладиган бўлди.

“Тошлоқ Найман текстил” оилавий корхонаси раҳбари Шоҳжаҳон Дадахонов иссиқхона қуриш, балиқчилик тармоғини йўлга қўйиш, аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида истиқболли бизнес режага эга.

— Ўз маблағимиз ҳисобидан гўшт йўналишида 100 бош наслли қорамол олиб келмоқчимиз, озуқа базаси яратиш учун бизга 3 гектар ер керак, — деди ёш тадбиркор. — Режамиз амалга ошадиган бўлса, оилавий қассобхоналар тармоғини янада кенгайтирамиз.

Вилоят раҳбари Шоҳжаҳон Дадахонов билан самимий суҳбатлашиб, ўнлаб янги иш ўринлари яратишга мўлжалланган бизнес-режасини маъқуллади. Бевосита жойига бориб вазиятни ўрганиш ва тадбиркорга ёрдам бериш бўйича вилоят ҳокимлиги масъулларига аниқ вазифалар топширди.

Фарғона шаҳрида яшовчи Салимжон Охунов қишлоқ хўжалигида ноқулай обҳаво шароитида фойдаланиш учун соябонлар, ёмғир ва қордан сақловчи устки кийимлар яратган. Тадбиркорнинг маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб яратилган ихтироларини кўздан кечирган вилоят раҳбари ушбу маҳсулотларни кластер корхоналари, фермер хўжаликларига тавсия этиш зарурлигига эътибор қаратди.

Шу куни вилоятимизнинг деярли барча ҳудудларидан келган тадбиркорлар муаммо ва масалаларини ҳал этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

Мунособат

## ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ, СЕРМАЗМУН ДАРСЛИКЛАР
### таълим сифатини тубдан яхшилаш учун хизмат қилади

**Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Учинчи Ренессанс пойдеворининг таълимга эътибор асосида яратилишига алоҳида урғу берилганлиги ушбу тизимнинг чиндан ҳам “ҳаёт ва мамот масаласи” эканлигини англатди.**



**Раънохон ИСМОИЛОВА,**
*Бағдод туманидаги 11-ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, “Шуҳрат” медали совриндори.*

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деди Президентимиз. 2021 йилда ҳам мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислоҳотлар давом эттирилиши, соҳада ягона “электрон таълим” тизими жорий этилиши айтиб ўтилди. Мурожаатномада қайд этилганидек, таълим сифатини яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш тизимдаги муаммоларнинг ечимига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт, деб таъкидладилар. Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш лозим. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” яратилиши белгиланди.

Президентимизнинг Учинчи Ренессанс бунёдкорларини камолга етказишимиз зарурлиги ҳақидаги фикрларини тинглаганимда, бу вазифани адо этиш учун барча имконият ва салоҳиятимизни ишга солишга тайёр эканлигимизни ҳис қилдим. Бу борадаги дастлабки саъй-ҳаракатларимизни янада ривожлантиришга киришдик. Ҳозирда мактабимизда тажриба тариқасида “kundalik com” дастурини йўлга қўйдик. Ўтган йили вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ўтказилган онлайн фан оилмпиадасида биргина тарих фанидан 92 нафар иқтидорли ўқувчиларимиз қатнашиб, энг юқори натижаларни қайд этишди.

Туманимизда ўтказилган “Таълимда ислоҳот: ўзгаришларни ўзимиздан бошлайлик” мавзусидаги иқтидорли ўқитувчиларнинг ҳудудий илмий амалий конференцияси ўтказилиб, республикамизнинг барча вилоятларидан 300 нафардан ортиқ ижодкор ўқитувчи ва олимлар ўз илмий тадқиқот ишлари, услубий тавсиялари, методик қўлланмалари билан иштирок этишди. Ҳамкасбларимизнинг ўз устида ишлаши ва ижодкорлигини ошириш, креатив фикрлашини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” мавзусидаги республика илмий амалий конференциясида ҳам айнан Президентимиз томонидан айтиб ўтилган муҳим вазифалар муҳокамаси олиб борилди. Хусусан, ҳар томонлама самарали, намунали, замонавий ўқув дастурлари, методик қўлланмалар, дарсликлар яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим”, деган сўзлар замирида соҳа вакилларига катта ишонч ва масъулият бор, албатта. Ҳар бир муаллим буни қалбан ҳис этиши керак. Биргина мисол, ҳозирда мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилган. Мен раҳбарлик қилган синфнинг 21 нафар битирувчиси олий ўқув юртлари талабаси бўлишди. Бошқа ҳамкасбларимнинг меҳнатлари самараси ҳам мана шундай натижаларда кўринмоқда.

Давлатимизнинг энг катта эътибори таълим ва тарбия тизими ривожига қаратилган бугунги кунда биз – ўқитувчилар ҳам янгича куч, шижоатга тўлиб турибмиз.

Мустақил Ўзбекистонимиз қутлуғ 30 ёшга тўладиган тарихий санага илм-фан, таълимдаги катта муваффақиятлар билан пешвоз чиқишга, белгиланган устувор вазифаларни ёруғ юз билан адо этишга шаймиз.

## ЁШЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

**2015 йил март ойида санъат йўналишида Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида ўтказилган “Живой родник” номли VI халқаро кўрик-танловда I ўринни, Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида ўтказилган “Дарын” номли халқаро танловда қатнашиб, фахрли ўринни эгалладим.**



**Асилбек АҲАДЖОНОВ,**
*“Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндори.*

Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган “Парижские ритмы” номли халқаро кўрик-танловининг гран-при соҳиби, Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган халқаро кўрик-танловда олий ўринга сазовор бўлганман. Бундан ташқари, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони ва “Ниҳол” мукофоти билан ҳам тақдирландим. Юксак давлат мукофотларига лойиқ кўрилганимдан ғурурланаман.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваторияси академик ижрочилик факультетининг халқ чолғулари таълим йўналишида таҳсил оляпман. Янги асарлар яратиб, ўзбек куйларини дунёга таратиш мақсадимдир.

Яқинда Президентимизнинг “Ёшлар форуми”да сўзлаган нутқини эшитиб жуда қувондик. Бундан кейин ёшларга янада кўплаб шарт-шароитлар яратиларкан.

“Ҳунарли киши хор бўлмас”, дейди халқимиз. Аммо кейинги пайтда ёшларнинг моҳир ҳунармандлар қўлида касб-ҳунар ўрганишига етарли шарт-шароитлар яратилмаётганди. Айни шу муаммо ҳам Юртбошимизнинг эътиборидан четда қолмаганлиги биз ёшларни янада қувонтирди. “Устоз-шогирд” анъанасининг давом эттирилиши барчага ўзгача руҳ бахшида этади.

Айниқса, ўзбек халқ чолғу ижрочилиги сирларини ўрганишда устозларнинг ўгити ва йўл-йўриқлари биз учун муҳим. Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси Ботир Дўсимбетов менга най чалишнинг сирли усулларини ўргатиб келмоқда. Биргаликда устоз-шогирд анъанасини давом эттиряпмиз. Келажакда миллий куйларимизни дунё миқиёсида тараннум этишни олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Мана шундай эзгу ишларга жалб этиладиган устозларни Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан моддий рағбатлантириш тизими жорий этилиши қувонарли. Чунки устозларимиз биз ёшларни етук билим ва малакага эга бўлишимиз учун меҳнат қилади, изланади. Эндиликда мана шундай фидойи инсонлар муносиб рағбат, эътибор топади.

Албатта, бу ислоҳотлар янги истеъдодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

Бу имкониятлар ўзбек мусиқа санъатини халқаро майдонларда намойиш этишга катта йўл очади. Биз ёшлар ана шундай улуғвор ишларнинг бевосита давомчилари бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Мақсад сари олға интиламиз ва Юртбошимиз ишончини албатта оқлаймиз!

“Йил танлови”

## Фарғона — йилнинг энг намунали шаҳри

**деб топилди журналистлар, блогерлар, жамоатчилик ижтимоий тармоқларда берган овозлар натижасида**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) ўтган 2020 йилда оммавий ахборот воситаларида энг фаол ёритилган, тизим фаолиятида очиқлик ва шаффофликни намоён этган, халқ билан ишлашда самарали натижаларга эришган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ўртасида анъанавий «Йил танлови»ни эълон қилган эди.**



Мазкур танлов ижтимоий сўров ҳамда журналист ва блогерларнинг эътирофи асосида «Энг намунали ҳудуд», «Энг намунали вазирлик», «Энг намунали давлат ва жамоат ташкилоти», «Энг намунали туман ва шаҳар», «Йилнинг энг фаол матбуот котиби», «Энг яхши тарғибот тадбирлари», «Энг етакчи партия», «Йилнинг энг ижтимоий фаол фуқароси» каби йўналишлар ҳамда қўшимча рағбатлантирувчи номинациялар бўйича сараланди.

Эътиборлиси, ”Йилнинг энг намунали туман ва шаҳри” номинациясида Фарғона шаҳри 1-ўринга лойиқ топилди.

Ҳақиқатан ҳам, Фарғона шаҳрида ўтган 2020 йилда катта ҳажмдаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Янги саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ишга тушди, кичик саноат зоналари ташкил этилди. Халқ турмуш фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламини, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, пандемия шароитида қийналиб қолган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, “Темир дафтар”лар билан ишлаш масалаларида намунали тадбирлар олиб борилди. Булар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий саҳифаларида, марказий, вилоят газеталарида, ижтимоий тармоқларда мунтазам ёритиб борилди.

Журналистлар, блогерлар, жамоатчилик вакиллари эътироф этганидек, Фарғона шаҳрида давлат ва халқ манфаати учун ишлашда самарали тизим яратилди.

**Р. ОРИПОВ.**
**М.ҚОДИРОВ олган сурат.**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ

*Фарғона шаҳри* *№ 49* *2021 йил 11 январь*

## БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 10 январда бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига тўла мувофиқ равишда бўлиб ўтган сайловда 23018 нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 87 фоизи қатнашди.

2021 йил 10 январда бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақи-даги округ сайлов комиссиясининг баённомасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20 ва 97-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И :**

1. 2021 йил 10 январда бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига сайлов ўтган деб ҳисоблансин.
2. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига 2-Мирзо Улуғбек сайлов округидан сайланган депутат Бозаров Хайрулло Хайитбаевич рўйхатга олинсин.
3. Мазкур қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят сайлов комиссияси котиби А.Отабоев зиммасига юклансин.

**Фарғона вилоят сайлов комиссияси раиси** **Э.НУРАЛИЕВ.**

# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни





# Элнинг муроди

## Миллий хавфсизлик хизматининг матонатли аскари Элмуроджон Абдулқосимовнинг ёрқин хотирасига бағишланади

**Саришта айвоннинг чап томонига ёғоч сўри қўйилган. Чамаси олтмиш бешларни қоралаган Раҳбархон ая духоба кўрпача қавиб ўтирибди. Игнани ҳар санчганда чуқур "оҳ" тортади. Ҳар "оҳ" тортганда "вой болам" дегандек эшитилади. Кўрпача ҳам онанинг кўз ёшини шимиб ишиб кетгандек. Мени кўриб, ўзини тузатишга чоғланди аёл. У билан кўришмоқ бўлиб бағримга босдиму, бехос кўксимга чўғ теккандек сесканди. Юраги ҳамон куйяпти онанинг... У тинмай мендан ҳол сўрар, мен эса унинг кўнглини сўрашга лойиқ жумла ахтараман.**

— Элнинг муродини туққан онанинг зиёратига келдим, эна, — дедим қўлини сиқиб.

У мени қайта ўзига чорлади:

— Энанг ўргилсин, Элмуроджон десанг қирқта жонини узиб беради-ку бу энанг, болажоним...

Кампир енги билан юзини сийпади-да, битай деб қолган духоба кўрпачани менга тўшади.

— Сиз Элмуродимни кўрганмисиз? Бобосининг худди ўзи эди. Бола бўлибдики, тинганини билмадим. Қилолмайман деган иши йўқ эди унинг. Қўлига тушган нарса гулга айланарди. Жонимнинг озиғи, юрагимнинг қувватийди. Уни бир кўрсангиз эди, бир кўрсам эди боламни!

Кампир дол бўлган елкаларини силкитиб-силкиб йиғлаяпти-ю, юзидаги турнақатор излар, кўзларидаги чуқур мунг унинг йиллар давомида бошидан ўтган яхши-ёмон кунларидан ҳикоя қилаётгандек.

Ўн етти ёш! Айни орзулар гуркираган, кўнгил чексиз томонларга от солган пайти. Раҳбархонни айни шу ёшида Турғунбой билан қалб ва ҳаёт ришталари боғланди. Ниҳолни илдиз отган жойидан бошқа жойга ўтқазсангиз, табиат меҳрибонлиги ва бошқа омиллар сабаб ё кўклаб кетади, ёки нобуд бўлади. Янги келинчак ҳам айни ниҳолдай гап. Пошшақиз ҳали янги оила ҳавосини олиб, уларга мослашиб улурмай умр йўлдоши ҳарбий хизматга чақириб олинди. Раҳбархон табиатан вазмин, муросали бўлгани учун қалбидаги турли хаёллар, хавотирлар силсиласи сиртида юзланмади. Ёрини ҳарбий хизматга кузатиб, уч йил йўлларига интизор яшади. Рўзғор ишларидан қўли тинди дегунча атак-чечак қилган қайнукасингилларини кўтариб парвариш қиларди. Хуллас, келинчак шу оиланинг қон-томирига сингиш учун ўзини аямади. Ниҳоят кунларнинг бирида қалбининг султони йигитлик бурчини ўтаб, эсон-омон уйга қайтди.

Икки ёшнинг айрилиқ азобида ўртанган юрагини энди узоқ йиллар фарзандсизлик изтироби тилкалади. Чиройли сабрнинг меваси ҳам ширин бўлади деганларидек, ниҳоят олча гули табиатни ўзига мафтун этган кунларнинг бирида чақалоқ йиғиси дилларни яйратди. Бирин-кетин туғилган фарзандлар, уларнинг беғубор, хосиятли ташвишлари эр-хотиннинг йиллар давомида қилган дуолари ва бардоши учун мукофотдек эди гўё.

Қўл ушлашиб ўтаётган йиллар баъзан қуёши, баъзида эса қаҳратони билан одам боласининг тийнатини камол топтириб, иродасини Ҳақ йўлида тоблаши рост. Ҳалол меҳнат билан ушоқ топса ҳам болаларига илинадиган Турғунбой яна бир айрилиқ зарбини қарши олди. Тўнғич ўғли Дилмуродни 7-синфда ўқиб юрган кезлари бахтсиз ҳодиса сабаб Яратган ўзига азиз қилиб олди. Тоғларни-да гилга қўшган бу фарзанд доғи эру хотинни бир сиқимга айлантирди. Шундан кейин ота-она фарзандларига яна ҳам жонсарак бўлар, уларни ҳар дақиқа эътибордан қочиргиси келмасди. Жужуқлари ичида Элмуроди бошқача чиқди. Эсини танибдики, ота-онасининг ёнига кирди. Этикдўзлик, устачилик, савдо-сотиқ, деҳқончилик дейсизми, маромига етказиб уддаларди. Мактабда ўтказиладиган ота-оналар йиғинларидан Раҳбархоннинг кўнгли осмон бўлиб, бир қувонса ўн шукур айтиб келарди.

Элмурод мактабни битириб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяр экан, кўз олдидан салобат билан саф тортиб турган ҳарбий йигитлар кетмай қолди. Ниҳоят кунларнинг бирида у кутган зуҳро юлдузи кўринди.

Қариндош-уруғ бўлажак аскарни кузатгани йиғилган. Раҳбархон жигаргўшасининг кийимларини тахлаб, йўлхалтага соляпти-ю, бўғзидан тутиб келаётган хавотирнинг қўлида адо бўлаёзгандек. Остонада қувончдан чароқлаб турган боласини бағрига босди, юзларидан ўпиб ўксиб-ўксиб йиғларди.

— Ая, аяжон, нега йиғлаяпсиз, ахир мен қанча кутдим бу кунни, сиз йиғлаб турсангиз, менинг йўлим очилмайди, жон ая?

У онасининг юзига юзини қўйди. Чит рўмоли сидирилиб, очилиб қолган оппоқ ипак сочларидан эркалаб ўпди. Онаси эса уни бағридан қўймай пичирларди:

— Вақтида овқатлангин, иссиқроқ кийин, ўзингга қарагина, мени ўй- санода адо қилма... Тез-тез хат ёзиб тургин-а, болам!

Шунда Элмурод онасининг юзини қўллари орасига олиб:

— Мен сизнинг заҳматларингизни оқлагани кетаяпман, она, — деди. Раҳбархон йиғлай йиғлай ўғлини хизматга кузатди.

Элмурод Давлат хавфсизлиги чегара қўшинлари ҳарбий қисмларидан бирида хизматни бошлади. Онанинг тўкилаёзган кўнглини икки ойдан сўнг боласи билан кўришиши мумкинлиги ҳақидаги хабар тоғдек кўтарди. Ота-она бир-бирига суяниб, саф тортиб бораётган аскарлар ичидан жигаргўшасини қидирарди. Олисдан кўзлари порлаб, залворли қадамлар билан нуридийдаси кела бошлади. Бу лаҳзада онани ҳеч ким тўхтата олмасди. У боласини маҳкам бағрига босар, нималардир деб тинмай пичирларди.

— Мени узоқдан танимадингиз-а, ая?

— Эҳ болажоним, ўзим туққан, кўзимнинг гавҳаридан зиёдроқ асраб-авайлаган боламни танимасмидим.

Шу билан она-боланинг суҳбати кечга қадар тугамади. Онанинг кўнгли оз бўлса-да, таскин топди. Шукур, боласининг олтин боши омон экан.

Шу учрашувдан ўн тўққиз кун ўтиб нохуш хабар келди. Нима эмиш, Элмуроднинг бироз тоби қочибди, кечга олиб келишармиш. Ота-она ҳайрону лол.

— Нимага тоби қочади, соппа-соғ эди, ўзим кўзим билан кўрдим-ку...

Онаизор оёғига калишини ҳам киймай айвоннинг у бошидан-бу бошига тинмай бориб келар, отанинг эса кўнгли алланечук ёмон хабарни сезгандек безгак ола бошлади. Пешин намози пайти бирдан кенг елкали аскар ҳовлига кириб келди-да, дарвозанинг тагига қўйилган темирни кўтариб, икки қанотини ланг очди. Шу пайт юздан ортиқ ҳарбий либосдаги йигитлар Ватан қаҳрамонининг тобутини ўртага олиб айвонга кириб кела бошладилар. Ишком тагида бошини чангаллаб ўтирган ота юраги ёрилгудек бўлиб даст ўрнидан турди. Алам аччиғида кўзлари ҳам кўрмай қолди чоғи, боши боғ устунидан чиқиб турган темирга қаттиқ тегди. Қошларини чеккалаб оқаётган қон ва тумонат одамларнинг ғала-ғовури аралаш боши айланиб, мажолсиз ерга ўтирди.

Она юзидан нур тараб ётган Элнинг муродини бағрига босиб, аччиқ нола қилди:

— Ўзингни асрагин дегандим-ку, мени адо қилма деганидим сенга! Вой онасининг навбатига мардлик қилган болам! — деган фарёди осмоннинг устунлари-ю, ернинг томирларигача зирқиратиб юборди.

... Элмуроджон 1981 йилда Фарғона туманидаги "Марказ" маҳалла фуқаролар йиғинида туғилган. У табиатан чидамли эди, узалганини олмай қўймасди. Бу хислати хизмат жараёнида ҳам ўз ўрнини топишига дастак бўлди. Ҳарбий либос кийиш унинг олий орзуси эди. Хизматга келибдики, ҳар бир машғулотни астойдил бажаришга жон-жаҳди билан киришарди. Ўша кунлари Ватанимиз чегараларида ғараз ниятли кимсаларнинг қадами сезилиб қолди. "Тревога" сигнали бутун қисмни бир жойга йиғди. Қатъий сафарбар турган ҳимоячилар тепаликлар оралаб ҳар бир нуқтани кўздан кечиришарди. Шу пайт фавқулодда номаълум тарафдан ўқ узила бошлади. Минг афсуски, отилган ўқларнинг учтаси Элмуроднинг кўксидан жой олганди... У бор бўйи билан ерга қулади. Ўқ тешиб ўтган юрагини, онаси бошини қўйган, "Ўзингни эҳтиёт қилгин-а, болам", дея шивирлаганда кўз ёшларининг изи қолган кўксини мадорсиз қўли билан пайпаслади. Очиқ қолган кўзларида эса ота маконнинг мовий осмони чайқалиб турарди.

Хавф-хатар аскарлар томонидан бартараф қилинди. Ўша кунги отишмада ўзбекнинг олти нафар алп ўғлони Ватан осойишталиги йўлида мардларча қурбон бўлди.

...Суҳбатимиз бир муддат тин олгач, юрагим орзиқиб сўрадим:

— Ўғлингизни яхши кўрган қизи бормиди, эна?

— Билмадим, — деди кампир, кўзларини пирпиратиб, — ҳеч сезмаган эканман. Лекин мени келинликка кўзлаган қизларим кўп эди, болам...

Хайрлашар чоғим Раҳбарой холани – оқ сутига элнинг пок ниятларини қўшиб эмизган, юрт корига бир баҳодир ўғлонини берган миллатнинг Қаҳрамон Онасини қайта, маҳкам бағримга босдим.

***

Қоғоз-қаламимни қўлтиқлаб ишдан қайтаётсам, анҳор бўйида ўйнаётган бир тўп болаларга кўзим тушди. Не хаёл биланки, улар томонга одимладим. Кузатиб турсам, беш-олти ёшлардаги қорамағиз бола қумдан иштиёқ билан уйча ясарди. Шериклари бехос қоқилиб кетиб, уйчасига зарар бермаслиги учун унинг атрофини тошлар билан ўрай бошлади. Унинг ёнига чўккалаб ўтирдим-да, митти бармоқларидан ўпдим. У менга ҳайрон тикилди.

— Элмуроджон, сенинг исминг Элмуроджон-а?

Болакайнинг нима деб жавоб берганини эшитолмадим. Унинг бахтиёр овози тинч ва осойишта заминда болалик иқболидан шодон шумтакаларнинг қийқириқлари ва мусаффо осмонни тўлдириб учаётган эрка қушларнинг чуғур-чуғурларига қўшилиб, дориломон кунлар бағридан акс-садо бераётгандек эди.

**Дилшода ЭРГАШЕВА.**

## ОТА ОРЗУСИНИНГ РЎЁБИ

**Отам ҳарбий бўлишни ва шу соҳада бутун умр ишлашни орзу қилган. Бироқ ҳарбий хизматдан сўнг уйга қайтишга мажбур бўлган экан. Шунинг учун мен орзуларини рўёбга чиқаришни кўнглимга тугиб қўйганман.**

2009 йилда Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультетига ўқишга кирдим. Бу онамнинг орзуси эди. Лекин отамнинг кўнглига ва ўзимнинг иштиёқимга қарши боролмадим. 2014 йилда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультетида ўқишимни давом эттириб, 2016 йилдан ҳарбий шифокор сифатида хизмат бошлаганман.

2020 йил коронавирусга қарши курашишда ва Сардоба сув омборидаги фалокат оқибатларини бартараф этишда фаол қатнашганлар учун таъсис этилган «Меҳр-саховат», тиббиёт ходимлари куни муносабати билан III-даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак нишонлари билан тақдирланишим менга янада куч-ғайрат бахш этди.

Ҳар куни ишдан қайтишимга "дадажон" дея кутиб олувчи қизалоғим ҳаётга бўлган ишончимни янада юксалтириб туради. Ҳозирда мен Қува туманида жойлашган ҳарбий қисмда фаолиятимни давом эттирмоқдаман.

Бу дунёда ғуруримизни оширувчи, кўзимизга тўтиё этиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиз Ватандир. Бу тушунча шундай азизки, ҳаёт йўлларида оғир, синовларда куч-қувват ато этиб, мардлик ва жасоратга ундайди.

Юртни мардлар қўриқлайди. Юртга фидойилик Ватанни чин юракдан севган садоқатли инсонларда бўлади.

Ватанпарвар – ўз юрту камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли жонини ҳам аямайдиган инсондир. Мен ҳам ана шундай инсонлар қаторида эканлигимдан фахрланаман.

**Равшан МУРОДУЛЛАЕВ,**
**тиббий хизмат капитани.**



**Турсунтоҳир ЭРБЎТАЕВ,**
*Қўштепа тумани "Мўймуборак" жоме масжиди имом-хатиби.*

**Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни миллий байрам сифатида нишонланиши соҳа ходимларига нисбатан алоҳида эътибор нишонасидир. Дарҳақиқат, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан киндик қони тўкилган юрт тинчлиги учун камарбаста бўлган мард ўғлонлар ҳар қанча юксак ҳурмат-эҳтиромга лойиқдирлар.**

# ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ

## Юрт посбонлари хизматлари эвазига улкан ажр-савоблар ваъда қилинади

Барҳаёт таълимот бўлган ислом динимиз ҳам Ватан ҳимоясига камарбаста бўлган мард ўғлонларни алоҳида қадрлайди. Уларнинг беқиёс хизматлари эвазига улкан ажр-савобларни ваъда қилади.

Макҳул раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинадики, Салмон Форсий розияллоҳу анҳу Форс еридаги қалъада чегарачилик қилиб турган Шураҳбил ибн Симат билан учрашганда унга деди:

— Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган бир ҳадисни айтиб берайми, у сени янада руҳлантиради деб умид қиламан?

— Майли айтиб бера қолинг, — деди Шураҳбил.

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман. Ул зот айтар эдилар: "Бир кун чегарада пойлоқчилик қилиш бир ой кундузи рўза тутиб, кечаси намоз ўқиб чиққандан яхшироқдир! Кимки чегарачилик жараёнида ҳалок бўлса, қабр азобидан омон бўлади. Унинг амалига берилажак савоб то қиёматга қадар кўпайиб туради!

Яна Макҳул раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинди:

«Чегарачилардан бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига келиб деди:

— Мен тоғда бир ғорни кўрдим. Унга кириб тинимсиз ибодат билан машғул бўлсам, то ўлгунимча намоз ўқисам дейман, шунга нима дейсиз, эй Аллоҳнинг Расули?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Аллоҳ йўлида бир кун пойлоқчилик қилишларинг ўз аҳли орасида олтмиш йил намоз ўқиганидан хайрлироқдир!"

Ватанни яхши кўриш, ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, унинг равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш – ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, юрт шаъни ва ор-номусини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу заминда яшаётган ҳар бир имонли, эътиқодли ва ихлосли фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тинчликни сақлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор. Динимизда Ватанни ҳимоя қилиш ишига ўзини бахшида этиш энг улуғ савобли амаллардан эканлиги айтилган. Бу тўғрида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ҳадиси шариф ривоят қилинади:

"Икки кўз эгасини дўзах оташи куйдирмас: бири – Аллоҳнинг азобидан қўрқиб йиғлаган кўз, иккинчиси – Аллоҳ йўлида қўриқчилик қилиб бедор бўлган кўз" (Имом Термизий ривоятлари).

Ота-оналар фарзандларни юрт хизматига асқотадиган мард ўғлон қилиб тарбия қилишлари эвазига Аллоҳ томонидан улкан ажрларга сазовор бўладилар. Ота-она фарзандини сувда сузишга, от минишга, камонда отишга ўргатиши вожибдир. Фарзанд камолга етар экан, чаққон ва зийрак бўлмоғи ота-онани ва эл-юртнинг обрў-эътиборидир.

Уламолар баён қиладики, жамият дин, миллат, Ватан тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўз зиммасига олган. Демак, зиммамиздаги вазифани бажаришда ёшлар тарбиясига эътибор билан қарашлик, уларни соф эътиқод, мустаҳкам ақида асосида камолга етказиш ҳамда ватанпарвар қилиб тарбия қилиш ота-оналарга жавобгарликни юклайди.

**Фурсатдан фойдаланиб, Ватан ҳимоячилари куни билан барча ҳарбийларимизни, қолаверса, тинчлик-осойишталик йўлида хизмат қилаётган катта-ю кичик юртдошларимизни вилоятимиз уламолари номидан чин дилдан муборакбод этаман! Уларга келгуси ишларида омад, ўз вазифаларига садоқат, икки дунёда бахт-саодат тилаб қоламан. Ўз халқи, Ватани, дини ва миллати учун оила аъзолари бағридан чиқиб, чегара ҳудудларида кечани кеча, кундузни кундуз демай қўриқчилик қилаётган посбонларга Аллоҳ таоло доимо мададкор бўлсин. Уларнинг беқиёс хизматларини Яратганнинг ўзи муносиб тақдирласин!**

Хабарингиз **БОРМИ?**



**Восилжон НАЗАРОВ,**
вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи.

# 2021 ЙИЛ УЧУН ВИЛОЯТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ДАРОМАДЛАРИ

**2021 йил учун Фарғона вилоят бюджетининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари пандемия шароитининг мавжуд бўлиши тахминларидан келиб чиқиб шакллантирилди. Шу тариқа жорий йилда соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя кўламини кенгайтириш, иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга катта эътибор қаратилади.**

Бу йил учун бюджетни шакллантиришда базавий солиқ ставкаларини сақлаб қолиш кўзда тутилган. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи 15%, фойда солиғи 15%, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12%, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ 2% ҳамда айланмадан олинадиган солиқ 4 % миқдорида белгиланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш учун 2021 йилда Солиқ кодексида белгиланган, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкасидан келиб чиқиб туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5% дан 2,0 % миқдорида камайтирувчи ва оширувчи коэффициент қўллаш, халқ депутатлари туман Кенгаши (вилоят белгиланганига нисбатан) 0,7% дан 1,3% миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини белгилаш ҳуқуқи берилмоқда.

## 2021 йил учун

маҳаллий бюджет даромадлари

**2 трлн.**
**904,9 млрд. сўм**
этиб тавсия этилмоқда.

Бу даромадлар: жисмоний шахслардан даромад солиғидан — (39 минг 371 нафар солиқ тўловчи)

**1 трлн.**
**128,6 млрд. сўм**, фойда солиғидан (10 минг 349 нафар солиқ тўловчи)

**184,1 млрд. сўм**, акциз солиғи (489 нафар солиқ тўловчи)

**295,1 млрд. сўм** қилиб белгилаш режалаштирилмоқда.

**Даромадлар прогнози** бу маҳаллий бюджетга фақат шунча даромад келиб тушишини англатмайди.

**Биргина мисол:**
Бу йил вилоятимиз туман (шаҳар) ларида

**50 та янги кичик саноат зоналари** ташкил этилмоқда ва ушбу кичик саноат зоналарда қиймати

**1,1 трлн. сўмлик**

**500 га яқин янги лойиҳаларни ишга тушириш кўзда тутилган**.
Лойиҳалар ишга тушиши билан

**717,7 млрд. сўмлик**
маҳсулот (иш, хизматлар) ярати-либ, вилоят бюджетига қарийб

**140 млрд. сўмлик**
қўшимча даромадлар шакллантирилади.

## 2021 йил учун

вилоят маҳаллий бюджети харажатлари

**3 трлн.**
**814,9 млрд. сўмни**
ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 114 % га ортиғи билан режалаштириш кутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2021 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларига

**137 млрд. сўм** (жами Инвестиция дастурлари учун 724,3 млрд. сўм, шундан маҳаллий бюджет ҳисобидан 137,0 млрд. сўм йўналтирилиши кўзда тутилган) маблағ ажратилиши белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 октябрдаги қарорига асосан туманлар марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ишлари учун вилоят бўйича 19 та шаҳар ва туманлар учун

**129,7 млрд. сўм маблағ ажратиляпти.**

**Бу маблағларни биринчи навбатда қуйидаги мақсадларга йўналтириш кўзда тутилган:**

туман марказлари, шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида парк зоналарини ривожлантириш, ташқи ёритиш, суғориш ва дренаж тизимларини яратиш, шунингдек, пиёда ва велосипед йўлакларини қуриш;

ҳар бир туман маркази ва шаҳарда камида биттадан марказий кўчани замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари асосида режалаштирган ҳолда мукаммал таъмирлаш.

Таъкидлаш ўринлики, вилоятдаги аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида **ижтимоий нафақа харажатлари учун**

**475.2 млрд. сўм**
(2020 йилда 230,0 млрд. сўм 206.6 фоиз)га кўпайтириш кўзда тутилган. Бунда нафақа олувчилар сони ўртача

**2,3 баробарга кўпаймоқда**.

Ўз навбатида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ,

**2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилиши белгиланган.**
Бу борада мазкур жамғарма учун шаклланадиган

**13,6 млрд. сўм** маблағлар таълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ходимлар ҳамда директорларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтган йилнинг 19 октябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Шунингдек, 2021 йилда Давлат бюджети маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор топшириқлар берилди. Бундан буён ўз расмий веб сайтларида бюджет маълумотларини очиқламаган ташкилотлар раҳбарларига нисбатан жарима қўллаш механизмини жорий қилиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар берилган.

# Мол-мулкингизга бепарво бўлманг!

**Вилоятимиз ҳудудида жорий йилнинг январь ойи дастлабки ўн кунлигида содир этилган 20 та ўғирлик жинояти таҳлил қилинганда, 8 та ҳолатда фуқароларнинг велосипеди ўғирлаб кетилгани маълум бўлди.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан фуқаролар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган тарғибот тадбирларига қарамай айрим шахсларнинг лоқайдлиги, ўз мулкини қаровсиз қолдириши жиноят содир этилишига шароит яратиб бермоқда.

Жорий йил 4 январь куни Фарғона шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 82-уй, 42-хонадонда яшовчи Ж.Бозорбоев нархи 1 000 000 сўмлик велосипедини кўп қаватли уй кириш йўлагида қаровсиз қолдиргани сабабли номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилган. Мотуридий кўчаси, 62-уй, 3-хонадонда яшовчи Т.Қаҳҳоров ҳам юқоридаги каби бепарволик қилиб, нархи 1.600.000 сўмлик "Мустанг" русумли велосипедини ўғирлатиб юборган.

Бош Қомусимизнинг 53-моддасида қайд этилганидек, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шу ўринда фуқароларимиздан ўз мулкларига нисбатан бепарво бўлмасликни, агар жиноятчи шахслар ҳақида маълумотга эга бўлишса, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти бўйича бошқармасининг (99) 873-244-34-06, (99) 873-244-34-07 рақамли "Ишонч телефон"ларига хабар беришларини сўраб қоламиз. Хабар берган шахс сир сақланади.

**Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

# Ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар тасдиқланди

**Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги VI-XXIV/123-сонли "Вилоят ҳудудида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар (тарифлар) миқдорини маъқуллаш ҳақида"ги қарорига асосан вилоят ҳудудида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар (тарифлар) миқдори маъқулланди ва иловага мувофиқ тасдиқланди.**

**Фарғона вилоятида ташқи реклама объектлари (конструкциялари)га ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун йиғимлар МИҚДОРИ**

| № | Реклама объектларининг турлари | Ўлчов бирлиги | Бир ойга (сўм) |
|---|---|---|---|
| **I. Ер участкаларида ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар** | | | |
| 1.1 | Кичик форматдаги (2,19 кв.м.гача) | 1 кв.м | 5 000 |
| 1.2 | Ўрта форматдаги (2,2 кв.м.дан 12 кв. м.гача) | 1 кв.м | 5 000 |
| 1.3 | Катта форматдаги (12 кв.м.дан 18 кв. м.гача) | 1 кв.м | 5 000 |
| 1.4 | Ўта катта форматдаги (18 кв.м.дан ортиқ) | 1 кв.м | 5 000 |
| 1.5 | 0,3 х 0,3 метрдан катта ҳажмли-фазовий қурилма | 1 кв.м | 15 000 |
| 1.6 | Байроқли рекламалар тўплами (композиция) | 1 кв.м | 5 000 |
| 1.7 | Реклама модулларига эга кўрсаткичлар | 1 кв.м | 5 000 |
| 1.8 | Умумий майдони 3 кв.м.дан ортиқ афиша деворлар | 1 кв.м | 5 000 |
| **II. Бинолар, иншоотлар ва қурилмалардаги реклама конструкциялари** | | | |
| 2.1 | Бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.2 | Биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар — меъморий шакл (ҳайкаллар) | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.3 | Майдони 2 кв.м ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.4 | Павильонлардаги конструкциялар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.5 | Кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиқлар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.6 | Майдонли тўсиқлардаги конструкциялар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.7 | Кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тиргакларида ўрнатилган конструкциялар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.8 | Маркизлар | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.9 | Проекцияли узатма | 1 кв.м | 15 000 |
| 2.10 | Консоль панеллар | 1 кв.м | 15 000 |
| 2.11 | Имиджли реклама ва ахборот қурилмалари | 1 кв.м | 15 000 |
| 2.12 | Реклама блоклари | 1 кв.м | 5 000 |
| 2.13 | Ҳажмли-фазовий қурилма | 1 кв.м | 15 000 |
| 2.14 | Том усти ёруғли реклама конструкциялари | 1 кв.м | 15 000 |
| **III. Ташқи реклама вақтинчалик объектлари (конструкциялари)** | | | |
| 3.1 | Қурилиш майдончаларидаги 2 кв.м ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари | 1 кв.м | 5 000 |
| 3.2 | 2 кв.м ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама | 1 кв.м | 5 000 |
| 3.3 | Вақтинча турдаги киосклар ва павильонлардаги реклама | 1 кв.м | 5 000 |
| 3.4 | Плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноплар, байроқлар, осма байроқлар, елканли байроқлардаги реклама | 1 кв.м | 5 000 |
| 3.5 | Ностандарт шаклдаги конструкциялар | 1 кв.м | 5 000 |
| 3.6 | Промоқурилмалар | 1 кв.м | 5 000 |
| 3.7 | Алоҳида турувчи ёруғли кронштейнлар | | 15 000 |
| **IV. Ёруғли-диодли мониторлар, электр экранлар (видео экранлар, югурувчи сатрлар дисплейлари ва бошқалар)** | | | |
| 4.1 | 50 кв.м.гача | 1 кв.м | 50 000 |
| 4.2 | 51 кв.м.дан 150 кв.м.гача | 1 кв.м | 30 000 |
| 4.3 | 151 кв.м.дан 300 кв.м.гача | 1 кв.м | 20 000 |
| 4.4 | 300 кв.м.дан ортиқ | 1 кв.м | 10 000 |

**Изоҳ:** ушбу тариф суммалари шаҳар, туман ҳудудий зоналари коэффициентларига нисбатан қўлланилади. Фарғона шаҳар — 1-зона: 2,4; 2-зона: 2,2; 3-зона: 2,0; Қўқон шаҳри — 1-зона: 2,2; 2-зона: 2,0; 3-зона: 1,8; Марғилон шаҳри — 1-зона: 2,0; 2-зона 1,8; 3-зона: 1,6; бошқа шаҳар ва туманлар — 1,6.

# ЭЪЛОНЛАР

## Фуқаролар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан Фарғона вилоятида ҳам туман ва шаҳар маъмурий судлари тугатилиб, Фарғона туманлараро маъмурий суди ташкил этилди.

2021 йилдан Фарғона вилояти маъмурий суди ҳамда Фарғона туманлараро маъмурий суди Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 47-уйда фаолиятини бошлади. Вилоятимиз фуқаролари суд мажлисларида иштирок этиш, шунингдек, ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида мазкур манзилда жойлашган Фарғона вилояти маъмурий судига мурожаат қилишлари мумкин.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАЪМУРИЙ СУДИ.**

## ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| | |
|---|---|
| **I. КАФЕДРА ДОЦЕНТИ ЛАВОЗИМИГА** | |
| 1. Электр энергетикаси | 1 ўрин |
| 2. Кимёвий технология | 1 ўрин |
| 3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 1 ўрин |
| **II. КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА** | |
| 1. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | 1 ўрин |
| 2. Архитектура | 1 ўрин |
| 3. Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар | 1 ўрин |
| 4. Технологик машиналар ва жиҳозлар | 1 ўрин |
| 5. Кимёвий технология | 1 ўрин |
| **III. КАФЕДРА АССИСТЕНТИ (ЎҚИТУВЧИСИ) ЛАВОЗИМИГА** | |
| 1. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | 1 ўрин |
| 2. Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 1 ўрин |
| 3. Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси | 1 ўрин |
| 4. Тадбиқий механика | 1 ўрин |
| 5. Электр энергетикаси | 0.5 ўрин |
| 6. Интеллектуал муҳандислик тизимлари | 1 ўрин |
| 7. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 1 ўрин |
| 8. Тилларни ўргатиш (инглиз тили) | 1 ўрин |
| 9. Олий математика | 1 ўрин |
| 10. Кимёвий технология | 1 ўрин |
| 11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси | 1 ўрин |

Танловга ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
**Мурожаат учун манзил:** Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси, 86-уй.
**Телефон:** 241-11-51. (+99890-959-33-69) Илмий котиб.

## ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| | | |
|---|---|---|
| **КАФЕДРА ДОЦЕНТИ ЛАВОЗИМИГА** | | |
| 1. | Жаҳон тарихи | 1 нафар |
| 2. | Инглиз тили ўқитиш методикаси | 1 нафар |
| 3. | Бошланғич таълим услубиёти | 1 нафар |
| 4. | Немис-француз тиллари | 1 нафар |
| 5. | Тилшунослик | 1 нафар |
| **КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА** | | |
| 1. | Адабиётшунослик | 1 нафар |
| 2. | Фалсафа | 1 нафар |
| 3. | Рус филологияси | 1 нафар |
| 4. | Ўзбек тили ва адабиёти | 1 нафар |
| 5. | Рус тили ўқитиш методикаси | 1 нафар |
| 6. | Бошланғич таълим услубиёти кафедраси | 1 нафар |
| 7. | Жисмоний маданият | 1 нафар |
| 8. | Спорт ўйинлари | 1 нафар |
| 9. | Чақириққача ҳарбий таълим | 1 нафар |
| **КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА** | | |
| 1 | Амалий математика ва информатика | 1 нафар |
| 2. | Ахборот технологиялари | 1 нафар |
| 3. | Математика | 2 нафар |
| 4. | Математик таҳлил дифференциал тенгламалар | 2 нафар |
| 5. | Физика | 2 нафар |
| 6. | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 2 нафар |
| 7. | Кимё | 2 нафар |
| 8. | Биология | 2 нафар |
| 9. | Ботаника | 1 нафар |
| 10. | Экология | 1 нафар |
| 11. | Зоотехния ва агрономия | 1 нафар |
| 12. | Мевачилик ва сабзавотчилик | 1 нафар |
| 13. | Тилшунослик | 1 нафар |
| 14. | Ўзбекистон тарихи | 1 нафар |
| 15. | Жаҳон тарихи | 1 нафар |
| 16. | Фуқаролик жамияти | 1 нафар |
| 17. | Ўзбек тили ва адабиёти | 1 нафар |
| 18. | Рус тили методикаси | 2 нафар |
| 19. | Инглиз тили | 2 нафар |
| 20. | Инглиз тили ўқитиш методикаси | 2 нафар |
| 21. | Немис-француз тиллари | 1 нафар |
| 22. | Табиий йўналишлар бўйича чет тиллари | 2 нафар |
| 23. | Гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллари | 2 нафар |
| 24. | Педагогика | 2 нафар |
| 25. | Психология | 2 нафар |
| 26. | Бошланғич таълим услубиёти | 2 нафар |
| 27. | Мактабгача таълим кафедраси | 2 нафар |
| 28. | Мусиқий таълим | 2 нафар |
| 29. | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 2 нафар |
| 30. | Спорт ўйинлари | 1 нафар |
| 31. | Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти | 1 нафар |
| 32. | Иқтисодиёт ва сервис кафедраси | 1 нафар |
| 33. | Ижтимоий иш | 1 нафар |

Танловга ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
**Манзил:** Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
**Телефон:** 244-46-96.

Олтиариқ тумани 1-ўрта таълим мактабини 1991-1992 ўқув йилида тамомлаган Раҳмонбердиева Муаттар Муҳаматсодиқовна номига берилган AN 082694 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона 2-тиббиёт коллежини 2013 йилда тамомлаган Холмуротова Одинахон Бахтиёровна номига берилган К 066845 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яхшидир

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

# ФАРҒОНА ШАҲРИДА ГАЗ БОСИМИ НЕГА ПАСАЙИБ КЕТДИ?!

**Айни кунларда Фарғона шаҳрида табиий газ босими пасайиб кетгани истеъмолчилар ўртасида турли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шу ўринда мутахассис сифатида баъзи фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтиш ўринлидир.**

Фарғона шаҳрида табиий газ таъминоти бўйича эътирозлар келиб чиқишининг бир нечта сабаблари бўлиб, биринчи катта муаммо кўп қаватли уйларнинг иситиш тизими билан боғлиқ.

2011 йилдан Фарғона шаҳрида кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, корхона-ташкилотлар ва аҳолини иссиқлик билан таъминлайдиган “Энерго маркази” маънавий ва жисмоний эскирганлиги сабабли бузиб ташланди. Бу корхона вазифаси вилоят “Иссиқлик манбаи” корхонасига юкланди. Аммо бу корхона орқали иситиш тизими яхши ишламаганлиги сабабли шаҳардаги аксарият бюджет ташкилотлари муқобил иситиш тизимига ўтган.

Фарғона шаҳрида 1991 йилгача қурилган 1272 та кўп қаватли уй бўлиб, улардан 200 таси ғиштли ва ўз иситиш тизимига эга. Қолган 1072 таси панелли уйлардир, бу уйларда марказий иситиш тизими йўқлиги сабабли 55 мингдан ортиқ хонадонни иситиш учун аҳоли газ ва электр энергиясидан фойдаланишга мажбур. Кўп қаватли уйларга газ қувурини кириш қисмига электрон газ ҳисоблагич ўрнатиш орқали бир неча йил олиб борилган мониторинг ишлари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу уйлар меъёр бўйича ҳисобланадиган газ миқдоридан бир неча баробар кўп газ истеъмол қилади ва бунинг оқибатида шаҳар газ таъминоти тизими бир маромда ишлай олмайди.

Кўп қаватли уйларда хонадонни иситиш учун табиий газдан фойдаланиш инсон ҳаёти учун хавфли эканлиги ҳақида эслатмалар тарқатилади, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинади. Аммо панел уйлар қиш мавсумида ўта совуқлиги, иссиқликни ушлаб қолиш қатламига эга эмаслиги учун бундай уйларда яшовчи аҳоли турли қийинчиликларга учрайди. Табиий газ билан иситишнинг энг хавфли томонларидан бири 1 $м^3$ табиий газ ёнганда 6 $м^3$ ҳаво бирга ёнади ва кислород етишмаслиги баъзи касалликларни олиб келади. Бундан ташқари, уйни турли мосламалар билан иситиш $CO_2$(ис гази) ажралиб чиқишига сабаб бўлиб, бу инсон ҳаёти учун ўта хавфли ҳисобланади.

Тошкент шаҳридаги иссиқлик тизими бор кўп қаватли уйларда бир хонадоннинг кунлик табиий газ сарфи ўртача 0,7 $м^3$ ни ташкил этса, Фарғона шаҳрида кўп қаватли уйлардаги хонадонларда бу кўрсаткич 5,2 $м^3$ ни ташкил этмоқда. Бир ойдаги фарқ 5,2-0,7= 4,5 $м^3$. Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйларда жойлашган хонадонлар сонига қиёслайдиган бўлсак, 55 000=7 425 000 $м^3$ ни ташкил этмокда.

Иккинчи муаммо шуки, кўп қаватли хонадонлардаги газ жиҳозлари маънавий жиҳатдан эскирган. Шаҳар аҳолиси газ хўжалигидаги асосий жиҳозлар собиқ тузум иситиш ускуналари бўлиб, улар катта газ босими ва катта газ сарфи билан ажралиб туради. Бугунги кунда улгуржи истеъмолчилар билан замонавий энергия тежовчи ускуналарга ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Лекин аҳоли хонадонлари бўйича бу ишлар қониқарли даражада олиб борилмаяпти. Мисол учун, “АГВ 80” сув иситиш қозонида 80 литр сув бўлиб, 80 $м^2$ сувни иситиш учун мўлжалланган. Газ босими пасайганда ушбу қозонлар хонадонни умуман иситмай қўяди. Замонавий иситиш қозонлари тежамкорлиги билан ажралиб туради ва газни иқтисод қилиш эвазига куз-қиш мавсумида қозон учун кетган сарф-харажатларни тўлиқ қоплайди.

Табиий газ ҳисоблагичлари ҳам кўп йиллик муаммолардан бўлиб, аҳоли хонадонларида асосан мембранали ва роторли газ ҳисоблагичлар ўрнатилган. Мембранали газ ҳисоблагичларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, газ ҳисоблагични ҳисоблаш механизми ҳаракатланиши учун минимал 100 мм сув устунида газ босими талаб қилинади. Акс ҳолда бу газ ҳисоблагичлар табиий газ тўсқичи вазифасини бажаради. Роторли газ ҳисоблагичлар эса ротор ва корпус орасидаги масофа кичик бўлганлиги сабабли фильтрсиз ва фильтр тўлиб қолган ҳолатларда газ таъминоти тўхтаб қолади.

Бундан ташқари, ГРСлар томонидан шаҳарга узатиладиган қувурларга электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлиб, бу газ ҳисоблагичларни аниқлик даражаси 0,01 фоизни ташкил этса, аҳоли хонадонларига ўрнатилган маиший газ ҳисоблагичларнинг рухсат этилган хатолик даражаси 2 фоизни ташкил этади. Бундай катта тафовут, ўз навбатида ГРСдан олинган газ ва аҳоли газ ҳисоблагичлари ўртасида сезиларли фарқ келтириб чиқаради.

Ана шу каби жиҳатларни инобатга олиб, аҳоли хонадонларига “Hududgaz Farg’ona» газ таъминоти филиали томонидан ультратовушли газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ультратовушли газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари якунига етиб қолди.

Тўртинчи муаммо истеъмолчиларнинг тўлов интизоми билан боғлиқ. Табиий газ аҳоли хонадонларига кириб келгунча мураккаб технологик жараёнлардан ўтади, яъни, янги қудуқлар қидируви, газ конларини қазиб олиш, газни қуритиш ва бошқа турли зарарли бирикмалардан тозалаш, газни ГРСларга транспортда ташиш ва ҳоказо. Истеъмолчига етказиб берилаётган ҳар бир $м^3$ газ ушбу жараёнлардан ўтиши учун катта маблағ талаб қилинади.

Аҳоли хонадонларининг газ истеъмоли таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсумида бир хонадон ўртача 150 $м^3$ газ истеъмол қилса, ёз мавсумида бу кўрсаткич 50 $м^3$ ни ташкил этмоқда. Бугунги кунда табиий газ нархи 1 $м^3$ учун 380 сўмлигини инобатга олсак, бир хонадон харажати куз-қиш мавсумида 150 $м^3$ х 380 сўм = 57 000 сўм, ёз мавсумида эса 50 $м^3$* 380 сўм=19 000 сўмни ташкил этади. Демак, кўп қаватли уй хонадонининг бир йиллик табиий газ сарфи учун тўлови 285 000 + 133 000 = 418 000 сўм. Йил давомида ҳар ой учун ўртача 35 000 сўмдан иборат бўлади.

Ҳовли уйлар бўйича ҳам шундай таҳлил ўтказамиз: куз-қиш мавсумида ўртача 900 $м^3$, ёзда 150 $м^3$ сарф қилинмоқда. Демак, куз-қиш мавсумида 900$м^3$*380 сум=342 000 сўм*5 ой = 1 710 000 сўм. Ёз мавсумида 150$м^3$* 380 сўм=57 000 сўм*7 ой = 400 000 минг сўмни ташкил этади. Йил давомида ўртача битта ҳовли уйда 1 710 000 + 400 000 = 2 110 000 сўмлик табиий газ истеъмол қилинади.

Табиий газ ер остида шундай босим ва ҳажмда пайдо бўлиши учун табиат юз йиллар вақт сарфлайди. Шунинг учун ушбу бойлигимизни тежаб-тергаб ишлатишимиз зарур. Чунки табиий газ қайта тикланмайдиган энергия турига киради ва келгусида фарзандларимиз ҳам ушбу бойликдан фойдаланишлари учун газни имкон қадар тежашимиз керак.

Бунинг учун иситиш қозонларини тежамкор, фойдали ва иш сифати юқорисига алмаштириш ҳамда газ ускуналарининг хизмат муддати 15 йиллигини инобатга олган ҳолда ўз вақтида янгилаш ёки иш самарадорлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

**Мурат АЛИЕВ,**
**“Hududgaz Farg’ona” газ таъминоти филиали қурилиш-таъмирлаш бўлими етакчи муҳандиси.**

# Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ким эди: ДАҲРИЙМИ Ё ДИНДОР?

Яқин ўтмишимизнинг энг ёрқин ва зиддиятли зиёлиларидан бири Ҳамзадир



**У ким эди: диндорми ё даҳрий? У паранжи ташлаш кампаниясига бош-қош бўлганми? У ростдан ҳам хотинбоз, маиший бузуқ бўлганми? Биз у ҳақда нимларни биламиз?**

Яқинда ёзувчи Набижон Боқий тарихий далиллар асосида ҳужжатли роман ёзиб тугатди. Биз улар билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шахсияти ва ҳали “сиёҳи қуримаган” “Қизил тошбўрон” романи ҳақида суҳбатлашдик.

**– Набижон ака! Аввало янги романингизни ёзишга ундаган омиллар ва асарнинг яратилиш жараёни ҳақида гапириб берсангиз.**

– Биласизми, буни ёзиш учун ҳозирликни тахминан 25 йиллар аввал бошлагандим. Ўзбекистон давлат архивига борсангиз, Ҳамзага тегишли ҳужжатларни олганлар рўйхатида албатта менинг исми-шарифимни топасиз. Ҳатто улардан нусха кўчириб, Қўқондаги музейига ҳам олиб бориб берганман. Расмий ҳужжатлардан ташқари, Ҳамза ҳақида ёзилган хотираларни ўқидим, маълумотларни ўша пайтдаги маҳаллий матбуот нашрларидаги хабарлар билан солиштирдим. Ҳамза ҳақидаги асарни икки йил давомида суткасига ўн соатлаб ўтириб ишладим. Ишонсангиз, романни етти марта қайта ёздим. Биорта асарим устида бунчалик кўп ўтирмаганман. Шу давр ичида битта хулосага келдим: БИЗ ҲАМЗАНИ ЯХШИ БИЛМАС ЭКАНМИЗ!

**– Набижон ака, бизга ҳам шу қизиқ: Ҳамза ким? У ҳақда бугунги одамларнинг, айниқса, диндор кишиларнинг билгани шу: у дин душмани, паранжи ташлаш кампаниясининг яловбардори, муқаддас динимизни ҳажв қилиб шеърлар ёзган шаккок шоир, совет давлатининг мафкуравий тарғиботчиси...**

– Ээээ... Нималар деяпсиз?! Ҳамзахон 1911 йилда, яъни 23 ёшида исломнинг асосий арконларидан бири бўлмиш ҳаж амалини адо этиб қайтган асл мусулмон эди. Чўнтагида олтмиш сўм билан Яратганга таваккал қилиб муқаддас тупроқларни зиёрат қилиш учун отланган ҳожи эди.

Ҳамза Шоҳимардонда хурофот аҳлининг думини туккани айни ҳақиқат ва унинг бу иши советлар даврида динга қарши курашчи сифатида талқин қилинган. Коммунистлар тузуми бу билан ҳам Ҳамзанинг, ҳам диндорларнинг шарафини булғайди, номига доғ туширишга эришади. Халқимиз жудаям содда, айниқса, диний тушунчаларда ўта ҳассос. Бундан ўша камномуслар унумли фойдаланган. Хурофот аҳлига қарши курашгани бор гап, аммо динга, асл диндорларга қарши эмас. У беш вақт намозини канда қилмаган, исломий рукнларга қатъий риоя этадиган покдомон киши бўлган. Араб тилини, форс тилини мукаммал билган, энг қизиғи, отасига арабча, форсча мактублар ёзган. Бу отасининг ҳам саводли киши бўлганини тасдиқлайди.

**– Ҳамза Шоҳимардонга қандай бориб қолган? Аслида у ерда нималар содир бўлганди? Уни тошбўрон қилингани ростми?**

– Ўтган асрнинг 17 йили чор Россияда ҳукумат ағдариб, Ленин ва унинг сафдошлари иқтидорга келган бир пайтда Қўқонда мухторият тузилади, яъни мустақиллик эълон қилинади. Аммо большевиклар шаҳарни тўпга тутиб, халқни қонига ботириб, зиёлиларнинг умидини сўндиради. Ўша даврнинг энг машҳур шоири ким эди, биласизми? Чўлпон эмас! Фитрат ҳам, Усмон Носир ҳам эмасди. Сўфизода эди. Жадидларнинг отаси десак ҳам бўлади. (Унинг ижодига ҳам ҳали етарли эътибор ва баҳо берилган йўқ). Хива хонлигининг Хўжайли шаҳри Мовароуннаҳрнинг маънавий дарвозаси эди. Жадидчилик насимлари Боғчасарой томонлар эсиб, энг аввало, шу шаҳарга етади. У чорраҳада жойлашган ажойиб шаҳар бўлган. Сўфизода ўша ерда мактаб очган эди. У Ҳамзанинг устози бўлган. Ҳамза устозининг ёнига бориб, мактабда дарс беради. У ўта камбағал, ночор аҳволда бўлган. Мактабдорлик орқасидан қўл учида кун кечирган. Кейинчалик Қўқон, Марғилон шаҳарларидаям янгича усулдаги мактаблар очиб, миллатни илмли қилиш ва шу йўл билан нажотга эришиш ҳаракатига тушади. Унинг ўқувчилари қисқа муддатларда савод чиқариб, илмда илгарилаб кетарди, яъни педагогик услуби зўр бўлган.

Ўша даврдаги ўрис амалдорларга унинг бу саъй-ҳаракатлари ёқмаган. Таъқиблардан зада бўлган шоир ота юрти Аввалга келиб қолади. Аввал Фарғона шаҳрининг ғарбида, Қувасой томонида жойлашган қишлоқ. Бу ерда у халқ хизматида бўлади. Лекин унинг машҳурлиги, ҳаракатчанлиги айрим маҳаллий корчалонларга ёқмайди. Шу боис унинг устидан Йўлдош Охунбобоевга қайта-қайта шикоят қилаверадилар. Йўлдош ота Аввалга келганида Ҳамза бир гуруҳ кишилар билан кўприк қурилишида жавлон уриб турган бўлади. “Сизларга керакмасми Ҳамзахон? Унда у ўзимизга тан”, дейди-да, уни фойтунига ўтқизиб, Шоҳимардонга жўнайди.

Шоҳимардонда янги артел (колхоз) тузилган, аммо халқ ишлашни хоҳламаётган эди. Чунки ер мулкдорлардан тортиб олиниб, гўё умумхалқ мулки деб эълон қилинган эди. Ҳукумат Ҳамзанинг машҳурлигидан фойдаланиб, бу ердаги ишларни ўнгламоқчи бўлади.

Шоҳимардонда машҳур зиёратгоҳ бор, мақбара. Ундаги қабр Ҳазрати Али жанобларига нисбат берилади. Менимча, бу рамзий қабр бўлиши керак, чунки у зоти шарифнинг араб тупроғига дафн этилганлари ҳаммамизга маълум. Шу мақбарага қўтоснинг думини осиб қўйган хурофотчилар зиёратга келган оми халқни алдаб, бойлик орттириб юрган бўлади. Қандай қилиб дейсизми? Қорни оғригангаям, песгаям, моховгаям, туғмаётган жувонгаям, тутқаноққаям шу думнинг толасини “банияти шифо” деб пуллайверади. У ерда ҳар куни қанчадан-қанча қўйлар, товуқлар сўйилиб, қабр эгасидан мурод ҳосил бўлишини тилайдилар.

Шу ишлар ислом динига тўғри келадими? Ширк эмасми қабрларга сиғиниш? Бу хурофотми ё бидъатми, нима бўлсаям, севимли Пайғамбаримиз олиб келган динга алоқаси борми? У зот Каъбатуллоҳдаги бут-санамларни йўқ қилиш учун келмаганлармиди? Ҳа, балли!

Ҳамза диний олим эди. У саводини бир неча мадрасада чиқарган эди. Шунинг учун у Шоҳимардондаги найрангбозларнинг думини тугишга киришди. Ўша машъум думни олиб ташлашни буюриб, касалларга табибларга учрашни тавсия қилади. Олтиариққа бориб келса, дум ҳалиям турган бўлади. Тўртта миршабнинг тепасида ўзи туриб, уларга думни олдираётган пайти...ўз тижоратидан айрилаётганини англаган хурофотчи, салласи катта, ақли ноқис “шайх”лар оломонни уларга қарши қайрайди. Оломон ким эди, биласизми? Ўша атрофдаги бўзахонада бўза ичиб ўтирган авбошлар эди. Бўза дегани арок эканини билсангиз керак? Маст-аласт безорилар миршабларни ура бошлайди. Шунинг учун у оломонни қайтаришга уринади. Бундан фойдаланган бир кимса кўзи қонга тўлган йигитларга “Асл айбдор аслида шу!” деб қора кучни унга йўналтириб юборади. Хуллас, Болта деган йигит Ҳамзанинг қорнига шартта пичоқ тортиб ташлайди. У гурсиллаб ерга йиқилади. Қотиллар шунда ҳам тўхтамай, девордан катта бир тошни кўчириб олиб, ўлган тананинг устидан тош билан уриб ўтаверадилар, ўтаверадилар... Кейин мажақланган танани тоғдан улоқтириб юборишади. (Бу ҳақда Ўзб.Давлат архивида Ф.р. -. 1714, оп № 5, дело № 327, дело № 328 рақамлари остида «махфий» сақланаётган – «Убийство Хамзы Хакимзаде» – жилдтахламларини кўздан кечириб кўришингиз мумкин).

Энди айтингчи, исломда арок ичиш жоизми?! Бидъат-хурофотга қарши курашган одамни сўйиб ўлдирган қотиллар қаҳрамон саналадими?! Агар одам айбдор бўлган тақдирдаям, уни қозининг ҳукмисиз ўлдириб юбориш мумкинми?! Менимча, мазлум ва ноҳақлик қурбони десак, адашмаймиз.

**– Уни хотинбоз, паранжини ташлашга бош-қош бўлган, дейдиганларга нима дейсиз?**

– Нимаям дердим, бир мўмин-мусулмонга туҳмат қилган одамларнинг жазосини мен бермайман, Ўзи беради. Паранжини аллақачон ташлаб бўлган эди аёллар... Молотовнинг бу ҳақдаги қарори чиққан эди. Бунақа чучмал ва ёлғон хабарнинг шаклланишига ўша шўро вақтида «яратилган» машҳур “Оловли йўллар” киноси сабаб бўлса керак. Ўша кинонинг сценарийсида ҳам бунақа жойи бўлмаган, аммо ўрис режиссёри “престижний бўлади” деб тасвирга олиш пайтида шунақа саҳнани тиқиштириб юборган экан. Кейин совет даврида унинг асарларини бузиб чоп этишди. Масалан, яша, Турон, деган сатрини “Яша, шўро”, деб ўзгартирган олимлар катта-катта унвонларни олиб, кайфу сафода кун кечириб ўтди. Бундайин хиёнатларда Ҳамзанинг нима айби бор?!

“Келди очилур чоғинг...” деб бошланадиган шеърини ҳам паранжига нисбат бериб тушунилади. Бу хато! Ушбу шеърни аёлларни маърифатга чорлаш учун ёзган, рўмолингни еч, кўкрагингни, сонингни очиб юр, деб ёзмаган. Агар совет мафкураси шундай талқин қилган бўлса-ю, кимдир шунга ишонса, нимаям дердим, билганини қилсин. Аммо Қуръони каримда ҳам “...фосиқ келтирган хабарни текширинг...” деган мазмунда оят бор, тўғрими?

**– Тўғри, “Ҳужурот” сураси, 6-оятда шундай амр бор. Набижон ака, айрим муштарийлар кўнглидан: “Мана шу гапларга далил борми?” деган фикр ўтса, ажабмас.**

– Ўўўў зўрку?! Ана архивга борсин, текшириб кўрсин истаса... Асарларимни халқ учун, келажак авлод учун ёзаман. Миллат асл қаҳрамонларини билсин, танисин, ўзлигини англасин, қаддини кўтарсин, деган ниятда қалам тебратаман.

Афсуски, минг афсуски, ҳали Ҳамзанинг, шу жумладан, Сўфизоданинг асарлари халқимизга тўла етиб боргани йўқ. Ёш олимларимиздан умидим ва рижойим шуки, бу икки миллатпарвар ижодкорларнинг чанг босиб ётган асарларини тезроқ табдил қилиб, халқимиз эътиборига ҳавола этсинлар.

Қодирийнинг тили қанчалар гўзал, а? “Ўтган кунлар”ни ўқиб яйрайсиз. Чўлпон асарларининг ифодаси ҳам ўзига хос. Аммо Ҳамзанинг асарларни ўқисангиз, унинг қалами ўткирроқ, халқчилроқ эканига амин бўласиз.

Яна бир гап: миллатимиз ойдинларини, зиёлиларини, буюк фарзандларини ерга уриб, уларни қоралашдан нима фойда бор?! Беайб парвардигор, ҳеч ким нуқсонлардан холи эмас, албатта. Аммо қайси бир халқ ўз қаҳрамонларини яхши таниса, ҳурмат бажо келтирса, ўша миллатнинг келажаги порлоқ бўлади. Нега деганда, ёш авлод ўз миллий қаҳрамонларидан илҳом ва ибрат олиб улғаяди.

**– Набижон ака, мазмунли суҳбат учун сизга мухлислар ва таҳририятимиз номидан ташаккур билдирамиз.**

## Сўнгги сўз

Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Ҳуррият» журнали 1917 йил 1-сонида босилган Туркистон мухториятига бағишланган «Букунги қадрлик кун» мақоласидан иқтибос:

«Ҳой, аҳли ватан, букун хизмат куни экан. Ким миллатни суюр, ким динга хизмат қилмоқ истар? Ким Тангрисин ризолиғин, ким руҳи пайғамбарин шод бўлурини истар, ким маҳшарда «Ислом миллатига на хизмат қилдинг?» деган хитобга сарнигун бўлмовни, сукутда қолмовни истар экан, уламоми, бойми, гадоми, ёшми, қарими – келсун, бу хизматга отилсун. Масъулиятни ўзидан кўтарсун. Букун – тижорат куни эмас, букун – саёҳат куни эмас, букун – иш эмас, букун – ўқув ва ўқитув куни эмас, букун – мен катта, сен кичик, сен бой, мен бечора, биз уламою сиз авом дейдурган кун эмас. Букун – иттифоқ ўрнига нифоқ, садоқат ўрнига адоват қиладурган кун эмас.

Яна қичқуриб айтурмиз, ҳой, биродарлар, букун – хизмат куни, букун – иззат, ҳурмат, даража ва мартаба талаб этув куни эмасдур. Онгласи куни!

Фидокор ёшлар! 700 минг халқимиз тарафиндан 20 минг халқ шаҳодати билан ҳануз жасади вужуд оламига кўчмаган миллион-миллион авлоди исломни келажакдаги ҳуқуқини тайин этувни ўз устингизга олдингизми? Бошқалар ҳам олди. Лекин сиз қараб турманг, ҳамон ўз вазифангизни адо этмоққа киришинг, ўз манфаатидан кечувчи сиз бўлуб кўрунмакдасиз, ҳамон давом этинг, эртаги товуққа олдануб, бу кунги тухумдан ҳам ўзингизни ва ҳам мустақбил авлодингизни маҳрум қилманг. «Хизмат – ўлмас мол» каби муқаддас боболаримизнинг гавҳардек қадрли ҳикматли сўзлари ёдингизда бўлсин!

Яшасун ёшлар!».

**Суҳбатдош Абдулазиз МУБОРАК.**
**Azon.uz** сайтидан олинди.

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.

Буюртма: 15
Индекс: 7521
Адади: 10 455

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

Газета сешанба ва жума кунлари чиқади. ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Расулжон Камолов. ■ Газета сифати учун босмахона масъул.